# ИТЛАРНИ САҚЛАШ ҚОИДАЛАРИ



***Вазирлар Маҳкамасининг «Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига** (2011 йил 8 июлдаги 202-сон) **кўра 2011 йил 1 августдан бошлаб итларни тутиш бригадалари негизида шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузурида қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари ташкил этилди.***

Қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди: кўчаларда ва бошқа жойларда қаровсиз қолган, шу жумладан эгасиз итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайвонларни тутишни ташкил этиш, шунингдек уларни вақтинча сақлаш учун махсус жойлар барпо этиш;

одамлар ва ҳайвонларга жароҳат етказган ёхуд ножўя ҳаракат қилинмаганда уларга ҳужум қилган ҳайвонларни кейинчалик уларни карантинда сақлаш учун давлат ветеринария бўлимларига олиб келиш;

ҳайвонлар қутурган тақдирда тегишли давлат ветеринария бўлимлари билан биргаликда иш олиб боришни ташкил этиш, шунингдек ўлган ҳайвонларни ветеринария-санитария қоидаларига риоя этган ҳолда зарарсизлантириш.

Қарор билан **2011–2013 йилларда шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимларининг моддий-техника базасини ривожлантириш дастури** тасдиқланди. Унда, хусусан, ушбу бўлимларни тўрпанжаралар, тутиш учун илмоқлар ва қафаслар билан таъминлаш, шунингдек мамлакат минтақаларида 58 та крематорий барпо этиш мўлжалланган. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги шаҳар ва туман давлат ветеринария бўлимларининг тегишли асосий воситаларини шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари балансига топшириши шарт. Таъкидланишича, уларнинг буюртманомалари бўйича қаровсиз ҳайвонларни тутиш бўлимлари ободонлаштиришга ажратиладиган маблағлар ҳисобига «Damas WAN» автомобиллари билан таъминланади.

Ҳужжат билан тасдиқланган **Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари** ҳам итлар ва мушукларнинг барча эгалари, шу жумладан юридик шахслар учун мажбурий ҳисобланади. Аҳоли пунктларида итлар рўйхатга олиниши ва ҳар йили эмлаш (вакцинация) чоғида қайта рўйхатдан ўтказилиши шарт. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли давлат ветеринария бўлимларига итларни қутуришга қарши ўз вақтида вакцинация қилиш учун итларни сақлайдиган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни маълум қилади. Зотидан қатъи назар, 3 ойликдан бошлаб итлар вакцинация қилиниши керак.

Итларни рўйхатга оладиган давлат ветеринария бўлимлари вакцинация қилишда харажатлар белгиланган тартибда қопланган ҳолда рўйхатга олиш гувоҳномасини ва **жетон шаклидаги** рўйхатга олиш белгисини (итнинг бўйинбоғига маҳкамланади) **ёки микрочиплар** (тери остига киритилади) беришга; итларнинг эгаларини ушбу Қоидалар билан таништиришга мажбур.

Санитария-гигиена ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш итлар ва мушукларни сақлашнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Кўп қаватли уйнинг алоҳида квартирасида энди **қўшниларнинг ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги** билан биттадан ортиқ бўлмаган итни ва битта мушукни сақлашга рухсат берилади. Алоҳида уйда итларни фақат боғланган ҳолда, эркин сайр қилдиришда – атрофи ўралган ҳудудда ажратилган ҳолда сақлашга йўл қўйилади.

***Итлар очиқ жойларда сайр қилдирилганда ва турар жой биноларида итларнинг эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари – эрталаб соат 8.00 гача ва кечқурун 22.00 дан кейин итлар вовиллашининг олдини олишлари керак.***

Қоидаларга биноан қуйидагилар:

итлар ва мушукларни умумий фойдаланиладиган жойларда: зинапоя майдончалари, чердаклар, ертўлаларда, шунингдек ошхоналар, балконлар ва умумфойдаланишдаги пешайвонларда сақлаш;

қўриқчи итларни таълим ва тиббиёт муассасаларида сақлаш;

итлар ва мушукларни умумий овқатланиш корхоналарига, озиқ-овқат дўконлари ва бошқа дўконларнинг савдо ва ишлаб чиқариш залларига олиб кириш;

итлар ва мушукларни кўпчилик борадиган жойларда (пляж, ҳовуз, фаввораларда ва ҳоказоларда) чўмилтириш ёки ювиш;

маст ҳолатдаги шахслар ва 14 ёшдан кичик болаларнинг итларни сайр қилдириши;

итлар билан жамоат жойларида бўлиш ва жамоат транспортига чиқиш тақиқланади, баъзи истиснолар бундан мустасно;

олдини олиш мумкин бўлган итлар ва мушукларнинг ўлишига ёки жароҳатланишига олиб келган итлар ва мушукларни ташлаб кетиш, уларга жароҳат етказиш, уларни қаровсиз ҳолда қолдириш, уларга озор бериш ёки жисмоний ва маънавий азоб бериш, уларга нисбатан бошқа йўл қўйиб бўлмайдиган ҳаракатларни содир этиш;

итлар ва мушукларни санитария-эпидемиология ва ветеринария хизматларининг рухсатисиз болалар муассасаларининг зоология бурчакларида сақлаш тақиқланади.

Итлар очиқ жойларда ёки бунинг учун махсус ажратилган майдонларда сайр қилдирилади, бу ерлар ҳар доим озода сақланиши керак. Итнинг эгаси ит қочиб кетмаслиги ёхуд одамлар ёки бошқа ҳайвонларга ҳужум қилмаслиги чораларини кўриши зарур. Ит бўйинбоғига жетон маҳкамланган ҳолда етовда олиб юриб сайр қилдирилиши керак. Жетонда итнинг лақаби, ит эгасининг манзили, телефон рақами кўрсатилиши керак. Ит очиқ жойларда сайр қилдирилганда у тумшуқбоғда ва 2 метргача узунликдаги етовда, жамоат жойларида 1 метргача узунликдаги етовда бўлиши керак, тумшуқбоғсиз ва етовсиз фақат махсус ажратилган майдонларда сайр қилдиришга рухсат берилади.

Кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида етовсиз юрган итлар ва мушуклар ҳатто бўйинбоғи, жетони ва тумшуқбоғи бўлган тақдирда ҳам, уларнинг зоти ва вазифасидан қатъи назар, тутилади ҳамда 5 кун мобайнида ит тутиш хизматларида сақланади ва ит эгаси мурожаат қилган ва итнинг уники эканлиги тасдиқланган ва сақлаш харажатлари тўланган тақдирда эгасига қайтарилиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган муддат тамом бўлгандан кейин тутиб олинган, касаллик белгилари бўлмаган зотли итлар сақлаш харажатлари тўлангандан кейин манфаатдор шахсларга берилиши мумкин.

Кўчмас мулк эгалари ёки унда хўжалик юритадиган шахслар ўз объектлари ва ҳудудларида қаровсиз қолган ҳайвонлар бўлишига ёки уларни овқатлантиришга йўл қўймасликлари керак. Бундай ҳайвонлар пайдо бўлган тақдирда дарҳол қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлими ходимларини чақириш зарур.

Қоидаларда ҳайвонлар эгаларининг мажбуриятлари, давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ҳам белгиланган.

Чунончи, **маҳаллий ҳокимият органлари** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман давлат ветеринария бўлимлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан келишган ҳолда шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармаларига **ўлган ҳайвонларнинг жасадларини йўқ қилиш учун крематорийлар қуришга ер участкалари ажратишлари шарт**.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида итларни қутуришга қарши мажбурий вакцинация қилишнинг ҳар йили белгиланган муддатларда ўтказилишини; қутуриш аниқланган тақдирда карантин зонасидаги ва таҳдид зонасидаги қутуришга мойил барча ҳайвонларнинг қутуришга қарши профилактик вакцинация қилинишини; ҳайвонлар учун антирабик вакциналарнинг зарур захираси яратилишини; ветеринария ҳақидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган қутуриш профилактикаси бўйича бошқа ветеринария тадбирлари ўтказилишини таъминлаши шарт.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз навбатида аҳоли ўртасида ҳайвонлар тишлаб олганда ва бошқа жароҳатлар етказганда дарҳол соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш тўғрисида доимий тушунтириш ишларини олиб бориши; жабрланганлар мурожаат қилган тақдирда қутуришга қарши вакцинацияни тезкорлик билан ўтказиши керак. Бундан ташқари, қутуриш юқиши хавфи таъсирида бўлган қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари, ўрмон хўжалиги ходимлари ҳамда ихтисослаштирилган овчилик бригадаларининг овчиларини мунтазам равишда вакцинация қилиш лозим.

Ҳужжатда бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

***Абдураҳмон БАХТИЕВ,***
***«Norma» МЧЖ юрисконсульти.***

## ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 27-сон)*

| *Т/р* | *Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи* | *Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси* | *Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)* |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси (Андижон вил., Асака шаҳри, Бўстон кўчаси, 1-уй) | N 15 25.05.2011 й. | 1. Усмонова Яйрахон 2. Нўмонов Тохиржон 3. Бойматов Бахтиёр |
| 2. | «Арбитор Бухоро» МЧЖ | N 16 24.03.2011 й. | 1. Файзиев Рустам Рахматович 2. Юсупов Баходир Бахромович 3. Йўлдошев Жўрабек Сайфуддинович 4. Рахмонов Бахтиёр Исломович |
| 3. | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси (Жиззах вил., Жиззах ш., Ш.Рашидов кўч., 63 уй) | N 002 15.04.2011 й. | 1. Дарменов Абдували Абдуллаевич 2. Ботиров Суннатилла Муротович 3. Хожибоев Хасан |
| 4. | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси (Қашқадарё вил., Ғузор т., Мустақиллик кўч., ҳокимият биноси) | N 8 31.03.2011 й. | 1. Шовриков Ботир Салаевич |
| 5. | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси (Қашқадарё вил., Чироқчи т., «Қамиштепа» МФЙ, «Осуда Фахритдинова» ф/х биноси) | N 9 11.04.2011 й. | 1. Норматов Парда Хайдарович 2. Норқўзиев Одил Элмуродович 3. Нурманов Бахтиёр Шайманович |
| 6. | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси (Қашқадарё вил., Муборак ш., Матбуот уйи биноси) | N 10 11.04.2011 й. | 1. Хакимов Ғофур Худоёрович 2. Рахимов Рахмон 3. Ибрагимов Усмон Ибрагимович |
| 7. | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси (Қашқадарё вил., Қарши ш., Шайхали қўрғони, Талабалар кўчаси, 4 уй) | N 11 11.05.2011 й. | 1. Нурматов Убайдулло Тошмуродович 2. Эшимов Шахриддин Хужаёрович 3. Тошиев Хуршид Зиёевич 4. Муродов Фахриддин Тожиддинович |
| 8. | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Сурхондарё вилоят ваколатхонаси (Сурхондарё вил., Термиз ш., Тараққиёт кўч., 36 уй) | N 13 13.04.2011 й. | 1. Каримов Зоир Файзиевич |
| 9. | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Сурхондарё вилоят ваколатхонаси (Сурхондарё вил., Термиз ш., Тараққиёт кўч., 36 уй) | N 14 13.04.2011 й. | 1. Норпулатов Худойберди Шотураевич |
| 10. | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Фарғона вилоят ваколатхонаси (Фарғона вил., Қўқон ш., Т.Узоқов кўч., 109 уй) | N 8 30.03.2011 й. | 1. Ризаев Саидали Баходирович 2. Махмудова Дилбархон |
| 11. | Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Фарғона вилоят ваколатхонаси (Фарғона вил., Марғилон ш., Навбаҳор кўч., 151а уй) | N 9 31.03.2011 й. | 1. Хамраев Хамидулло Ғаффарович 2. Мирзарахимов Хабибулло Турғунбаевич |
| 12. | Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали ҳузуридаги халқаро тижорат арбитраж ҳакамлик суди (Тошкент ш., М. Улуғбек т., Катта Дархон кўч., 25 уй) | N 23 15.04.2011 й. | 1. Джапаров Зоир Шарипович 2. Мардонов Икромжон Нарзуллаевич 3. Магаметов Абдумажид Абдурашидович 4. Джураев Аламжон Эшмуродович 5. Файзуллаев Шавкат Зубайдуллаевич 6. Ибрагимов Дониёрбек Акрамович |
| 13. | «Бахтли Диёр сари» (Тошкент ш., Олмазор т., Себзор даҳаси, 39 уй, 60 хона.) | N 24 05.05.2011 й. | 1. Зарипова Махпуза Валиевна 2. Юлдашев Акмал Хакимович 3. Имомов Самандар Хабибуллаевич 4. Тургунов Эркинжон |

# ГРАНИТ БИЗНЕСИ



***Корхонамизнинг асосий фаолият тури (ХХТУТ бўйича коди 16212) – табиий тошни (гранитни) қайта ишлаш ва ундан қабр тошлари, дераза токчалари, зинапоя поғоналари (ТИФ ТН коди 6801 00 000 0, 6802 10 000 0) тайёрлашдир. Бизнинг маҳсулотимиз туркумли ҳисобланмайди ва фақат якка тартибдаги буюртмалар бўйича ишлаб чиқарилади. Уни цехдан туриб реализация қиламиз, чунки бизда тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборхоналар ва савдо шохобчаси мавжуд эмас.***

***Маҳсулот харидор корхона кассасига пул маблағларини тўлаганидан кейин берилади. Унга тўлов квитанцияси ва ҳисобварақ-фактура топширилади. Пуллар банкка инкассация қилинади.***

***ВМнинг 2011 йил 27 апрелдаги 119-сон қарори қабул қилиниши муносабати билан қуйидагиларни тушунтириб берсангиз:***

***биз ишлаб чиқараётган маҳсулот истеъмол товарларига тегишлими?***

***корхонамиз маҳсулоти туркум ишлаб чиқарилмаслиги сабабли у улгуржи ёки майда улгуржи маҳсулот ҳисобланадими?***

**В.Ветохин,**
**МЧЖ директори.**

– Ҳа, **корхонангиз маҳсулоти истеъмол товарларига киради**.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун[1] *(бундан кейин – 221-I-сон Қонун)* 1-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошисига мувофиқ товар – ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули. Истеъмолчи – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки хусусий хўжаликда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс) *(221-I-сон Қонун 1-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси)*.

Товарингиз уни фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда харид қилаётган харидорларнинг буюртмалари бўйича ишлаб чиқарилаётганлигини ҳисобга олсак, у истеъмол товаридир. Бинобарин, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 22 апрелдаги 119-сон қарорига[2] кўра корхонангиз ўзи ишлаб чиқарган товарларни **ишлаб чиқариш жойида ташкил этилган** фирма дўконлари ёки ўзига тегишли бўлган ёхуд белгиланган тартибда ижарага олинган, фақат белгиланган намуналардаги назорат-касса машиналаридан, пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиладиган турғун савдо шохобчалари орқали ҳам чакана тарзда реализация қилишга ҳақлидир. Ишлаб чиқариш жойида фирма дўконини ташкил этиш учун жой (хона) ажратиш, уни зарур жиҳозлар билан, шу жумладан назорат-касса машинаси ва ҳисоб-китоб терминали ҳамда маҳсулот сифати ва хавфсизлигини сақлаш стандартларининг талабларига мувофиқ товарларни қабул қилиб олишда, сақлашда, савдо олди тайёргарлигида ва сотиш пайтида уларнинг сифати ва хавфсизлиги сақланишини, шунингдек харидорларнинг товарларни танлаш имкониятини таъминлайдиган инвентарь билан жиҳозлаш етарлидир *(Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг[3] 6-банди)*. Дўкон хонаси техник, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа талабларга жавоб бериши керак.

Улгуржи ва майда улгуржи мезони маҳсулотнинг ўзига эмас, балки уни реализация қилишгагина қўлланади. Маҳсулотнинг ўзи эмас, балки уни сотиш шакли улгуржидир.

*[1]1996 йил 26 апрелдаги 221-I-сон.*

*[2]«Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида».*

*[3]ВМнинг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 1-илова.*

# МУҚОБИЛ ҚАРЗДОРЛИК

***А фирмаси (қарз берувчи) Б фирмаси (қарз олувчи) билан фоизсиз қарз шартномасини тузди. Ана шу Б фирмаси (сотувчи) билан А фирмаси (харидор) товарнинг олди-сотди шартномасини тузди, унга кўра олдиндан ҳақнинг 20%и олинган.***

***Ҳисобрақамида пул маблағларининг йўқлиги туфайли қарз олувчи қарзни қайтара олмаяпти. Б фирмаси ўз қарзини товарлар олди-сотди шартномаси билан фоизсиз қарз шартномасини бажариш ҳисобига уза оладими?***

**Ш.Турсунова.**

– Мазкур вазиятда икки субъект ўртасида муқобил қарз юзага келган. У Фуқаролик кодекси *(ФК)*нинг 343–345-моддаларига мувофиқ муқобил бир турдаги талабларни ҳисобга олган ҳолда узилиши мумкин*. Бунинг учун битим тузиш ёки тарафлардан бири бошқасига талабларни ҳисобга олиш тўғрисида хабарнома юбориши лозим.

**БИТИМ**

*А фирмаси ва Б фирмаси муқобил пул талабини қуйида баён этилган шартларда ҳисобга киритади. А фирмасига унга Б фирмаси томонидан пул маблағларини улар ўртасида тузилган, ___ йил «__» __даги -сон қарз шартномасининг __ бандига асосан тўлаш тўғрисидаги талаби тегишлидир, мазкур шартнома шартларига кўра А фирмаси (қарз берувчи) Б фирмасига (қарз олувчига) пул маблағларини мулк қилиб тақдим этди, Б фирмаси эса А фирмасига олинган қарзга тенг миқдорда пул қайтариш мажбуриятини олди.*

*Б фирмаси унга А фирмаси томонидан улар ўртасида тузилган, ___йил «___»__даги -сон олди-сотди шартномасининг ____бандига асосан пул маблағлари тўланиши тўғрисидаги талаб тегишлидир, мазкур шартномага кўра Б фирмаси товарни мулк қилиб тақдим этиш, А фирмаси эса қабул қилиш ва унинг учун ___ миқдорида пул маблағлари тўлаш мажбуриятини олди. А фирмаси олди-сотди шартномасининг шартларини бажарганлиги учун Б фирмасига __ сўм суммасининг 20%и миқдорида пул маблағларини тўлади. Қолдиқ __ сўмни ташкил қилади.*

*Қарз ва олди-сотди шартномаларининг шартларига кўра юқорида кўрсатилган пул маблағларини тўлаш муддатлари келди. А ва Б фирмаларининг мазкур битимда кўрсатилган пул маблағлари қолдиқларини тўлаш бўйича талаблари муқобил бир турдаги талаблардир. Мазкур битим шартларига кўра муқобил бир турдаги талабларни ҳисобга киритиш __сўм суммасида амалга оширилади.*



*Ҳужжатлар намуналарининг зарур тўплами билан бирга муқобил бир турдаги талабларни ҳисобга киритиш тўғрисидаги батафсил тушунтиришлар «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида келтирилган.



***1. Юридик шахс (мулкчилик шакли ва фаолият туридан қатъи назар) молиявий (пул) маблағларни уларни қайтариш ва улардан фойдаланганлик учун комиссия (ҳақ) тўлаш шартларида қандай шаклда (битим тури) тақдим этиши мумкин?***

***2. Юридик шахсларга қарз шартномасини тузиш йўли билан фоизли қарз беришга рухсат этиладими?***

***3. Масъулияти чекланган жамият устав фондидаги бутун улуши ёки унинг бир қисмини қарзни узиш ҳисобига трансформациялаш (ўтказиш) тақиқланмайдими?***

**У.Носиров,**
**ОАЖ директори.**

# ҚАРЗ ОЛИНДИ, ФИРМАДАГИ УЛУШ БИЛАН ҚАЙТАРИЛДИ

– **1. Бир юридик шахс (қарз берувчи) томонидан бошқа юридик шахсга (қарз олувчига) қарз олувчининг олинган қарзига тенг пул суммасини қайтариш шарти билан мулк қилиб тақдим этилиши қарз шартномасини тузиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.** Уни тузиш шартномаси ФКнинг 353–385, 732–742-моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг[1] 10–14-моддалари билан тартибга солинади.

**2.** Ҳа, **рухсат берилади**. ФКнинг 734-моддасига мувофиқ, агар қонун ёки қарз шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, **қарз берувчи (юридик шахс) қарз олувчидан** шартнома билан белгиланган миқдорлар ва тартибда **қарз суммасига фоизлар олиш ҳуқуқига эгадир**.

**3.** Йўқ, **тақиқланмайди**. Бу ҳолда ФКнинг 342-моддаси билан тартибга солинадиган воз кечиш ҳақи қўлланади. Воз кечиш ҳақи тўғрисидаги битим оддий ёзма шаклда алоҳида битим билан расмийлаштирилади[2].

*«Кредитор билан Қарздор ўртасида ___йил «___»__даги -сон қарз шартномасини тузиш натижасида __ миқдорида қарзни қайтариш мажбурияти юзага келди. Шартноманинг шартларига кўра Кредитор Қарздорга пул маблағларини мулк қилиб тақдим этди, Қарздор эса қарз берувчига олинган қарзга тенг, худди шундай миқдордаги пул суммасини қайтариш мажбуриятини олди. Мазкур битим шартларига кўра Қарздор Шартноманинг __ бандида назарда тутилган _____ миқдоридаги пул суммасини қайтариш мажбуриятини бажариш ўрнига «____» МЧЖга улуш тарзида воз кечиш ҳақини тақдим этиш мажбуриятини олади. Воз кечиш ҳақи миқдори мазкур битим шартларига кўра ____ни ташкил қилади. Кредитор қарз шартномасининг ___ банди билан белгиланган мажбуриятнинг Қарздор томонидан бажарилиши ўрнига, мазкур битимнинг ___ бандига кўра Қарздор тақдим этадиган воз кечиш ҳақини қабул қилиш мажбуриятини олади».*

Битим тузилаётганда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг[3] МЧЖдаги улушни сотиш тартибини белгиловчи 20, 23-моддалари талабларига риоя этиш лозим.

*[1]1998 йил 29 августдаги 670-I-сон.*

*[2]Ҳужжатлар намуналарининг зарур тўплами билан бирга воз кечиш ҳақи тўғрисидаги битимларни тузиш тўғрисидаги батафсил тушунтиришлар «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида берилган.*

*[3]2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон.*

Реклама

NORMA
Эксперт маълумотнома тизими
КОРХОНА ЮРИСТИ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

*Жавобларни «Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.*

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ
# топ
ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!
«Норма маслаҳатчи» N 32 (317) 2011 йил 9 август ISSN 2091-5209

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади
ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ
ассортиментда
Хизматлар лицензияланган
Тўлов - исталган шаклда
Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

## Рўйхатлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 28 июндаги 10-1115/10582-сонли ажримига асосан Яккасарой туманидаги "MVM.УЗ.Бри.Ита" МЧЖ КК (юридик манзили: Ю.Х.Хожиб кўчаси, 31А-уй) бўйича банкротлик кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхонанинг банкротлик иши бўйича суд мажлиси муҳокамаси 2011 йил 12 август куни соат 16.00 да Тошкент шаҳар, Чўпон ота кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида кўриб чиқилади. Ушбу корхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 11 август куни соат 10.30 да Яккасарой туман ДСИ биносида қуйидаги манзил бўйича ўтказилади: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6А-уй, 3-қават, 310-хона. Тел. 250-70-87.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 1 августдаги ҳал қилув қарорига асосан Шайхонтоҳур туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "Regenerate" МЧЖ | 10-1116/11724 |
| "Chorsu gold" МЧЖ | 10-1116/12043 |

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходими А.Қодиров тайинланган. Корхоналарга тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналарнинг мурожаатлари 1 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307 ва 306-хона. Тел. 241-30-86.

***

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли қарорига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР |
|---|---|
| "YULDOSH SERVIS PLUS" XK | 301045726 |
| "PAYMENT-PLYUS" MCHJ | 300543320 |
| "FINKONS AUDIT AT" MCHJ | 205975344 |
| "MUZAFFAR-TAOM" МЧЖ | 204017490 |
| "BK HALOL-SAVDO" MCHJ | 300734842 |
| "PALADINCHIK BIZNES" XK | 301021764 |
| "SABINA-FARANGIZ" XK | 301031546 |
| "SARVARBEKOV" XK | 301215807 |
| "TOHA-NET" XK | 206646626 |
| "PREMER-TRANS-SERVIS" MCHJ | 206958450 |
| "BUSINESS PLUS BONUS" XK | 300901745 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар билан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестрдан чиқарилади. Тел. 234-10-29.

***







***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 3 августдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманида фаолият кўрсатмаётган тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган санаси ва рақами | | Қарор рақами | Юридик манзили |
|---|---|---|---|---|---|
| "PROGMA LUXE" MCHJ | 300999505 | 05.12.2008 | 002566-01 | 10-1119/11983 | Чилонзор 13-42-28 |
| "OILA BIZNES" MCHJ | 204743128 | 11.12.2003 | 000064-01 | 10-1119/12007 | Факирий кўч., 15-уй |
| "POVER STAR TEX" XK | 301554773 | 24.03.2010 | 003653-01 | 10-1119/11979 | Меҳмондўст 1-берк, 2-тор кўч., 8-уй |
| "ULKAN YONG' OK" XK | 205571698 | 29.03.2005 | 000611-01 | 10-1119/11988 | Чилонзор 25-41-11 |
| "TURKISTON TELEKOM" MCHJ | 205162390 | 08.07.2004 | 000294-01 | 10-1119/12001 | Дадил 4-тор кўч., 15-уй |
| "FAL ALYUMIN SERVIS" | 300007084 | 20.09.2006 | 001225-01 | 10-1119/12005 | Б.Марғилоний кўч., 6-уй |
| "KOMILJON-SOBIRJON" MCHJ | 300989350 | 07.03.2009 | 002737-01 | 10-1119/11982 | Чилонзор 11-34-38 |
| "ARDULAZIZ NET" XK | 301293592 | 18.08.2009 | 003085-01 | 10-1119/11984 | Чилонзор 30-13-53 |
| "LUTFINISO FAYZ" MCHJ | 300540071 | 13.08.2007 | 001756-01 | 10-1119/11980 | Тўқимачи 3-тор кўч., 34-уй |
| "BAYYERN SHAX" XK | 205161345 | 23.12.2008 | 002591-01 | 10-1119/11999 | Фарҳод кўч., 21-уй |
| "NODIR-G'AYRAT FAYZ BIZNES" MCHJ | 206724520 | 20.07.2006 | 001159-01 | 10-1119/11981 | Қошқарий 4-тор кўч., 6А-уй |
| "BMS INVEST PLUS" | 301458385 | 22.01.2010 | 003457-01 | 10-1119/12002 | Тўрақулов 3-тор кўч., 15-уй |
| "DAVR DENTAL" | 300617472 | 14.11.2007 | 001896-01 | 10-1119/12006 | 2-Истиқлол кўч., 1-уй |
| "WELCOME MOBILE" MCHJ | 301645081 | 24.06.2010 | 003824-01 | 10-1119/11997 | Назарбек 2-тор кўч., 40А-уй |
| "MUHLISA-TOY LIBOSLARI" | 301595074 | 28.04.2010 | 003733-01 | 10-1119/11978 | Н.Ғаниев кўч., 33-уй |
| "SHOFAIZ SAVDO PLUS" MCHJ | 301551556 | 22.03.2010 | 003646-01 | 10-1119/11986 | Улуғбек кўч., 18-уй |
| "ANBIYO" XF | 203649900 | 16.07.2001 | 792 | 10-1119/11987 | Чилонзор 12-2-16 |
| "PRINT FINISH" XK | 301149896 | 15.04.2009 | 002828-01 | 10-1119/11985 | Изза даҳаси, 102В-уй, 144-хонадон |
| "NILUFAR ASAL" MCHJ | 301403249 | 14.12.2009 | 003329-01 | 10-1119/11998 | Чилонзор 31-45-268 |
| "MIRTO'RABEK MEBEL" MCHJ | 301518262 | 26.02.2010 | 003588-01 | 10-1119/12003 | Шароф 9-тор кўч., 10-уй |
| "UMSAR GLOBAL" XK | 301671430 | 30.07.2010 | 003894-01 | 10-1119/12004 | Оқшом кўч., 49-уй |
| "XUSNI-YORQIN" XK | 301432054 | 08.01.2010 | 003392-01 | 10-1119/11990 | Чилонзор 21-22-3 |
| "DORA-ALI" XK | 301047636 | 02.02.2009 | 002669-01 | 10-1119/11989 | Боситхон 7-тор кўч., 12-уй |
| "NASIBA SAVDO PLYUS" MCHJ | 301712014 | 06.10.2010 | 003995-01 | 10-1119/11992 | Чилонзор 21-26-6 |
| "MAFTUNA XOSIYAT SAVDO" XK | 300927522 | 03.09.2008 | 002407-01 | 10-1119/11991 | Х.Абдуллаев 1-тор кўч., 5-уй |
| "TOP MOBILE" MCHJ | 301501919 | 16.02.2010 | 003562-01 | 10-1119/11994 | Фарҳод кўч., 3А-уй |
| "ASLBXKIMYO" XK | 301521933 | 01.03.2010 | 003596-01 | 10-1119/12008 | Жамшид 2-тор кўч., 40-уй |
| "NIN TEKSTIL" MCHJ | 301081398 | 27.02.2009 | 002720-01 | 10-1119/11995 | Қурувчи кўч., 4-уй |
| "XOTAMTOY-INVEST" XK | 301689178 | 27.08.2010 | 003938-01 | 10-1119/11996 | Чилонзор 15-11-1 |
| "BEUTY-SARMAX" XK | 301171214 | 04.05.2009 | 002868-01 | 10-1119/11993 | Раҳимбобоев кўч., 107-уй |

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамғаси ва думалоқ муҳри ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Корхоналарнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қаватидаги 4-хонада қабул қилинади. Тел. 274-16-37.

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

САР ва CIPA сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

058-09

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
ЎзР МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.
Тел. (8371) 279-47-16. Факс (8371) 279-44-01.
Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-98-62, 335-19-67, (+99894) 663-77-74.
E-mail: ltd_nazorat-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 524-51-55, Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63, Наманган (+99869) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

009-11

## Рўйхатлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 1 августдаги 10-1119/11967-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги "YAKKASAROY KOMMUNAL TORTINCHI" UJMSH (юридик манзили: А.Қаҳҳор кўчаси, 2г-уй) банкрот деб эълон қилинган ва тугатувга доир ишлар бошланган. Тугатув бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими М.Чутов тайинланган. Ушбу корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, низомлари бекор қилинди. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 310-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.

ЭЪЛОНЛАР — ЭЪЛОНЛАР — ЭЪЛОНЛАР — ЭЪЛОНЛАР

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Маиший техникани таъмирлаш.
Тел. (+998 97) 432-75-06.

Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернет ўрнатиш ва созлаш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: (+998 93) 577-44-56. Михаил.

Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш.
Тел. (+998 97) 340-45-08.

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, техник, тиббиётга оид ҳужжатларни малакали таржима қилиш. Легаллаштириш.
Тел.: 252-38-71, 454-80-01.

Компьютерларга хизмат кўрсатиш.
Тел. (+998 97) 438-41-22.

Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

*Хизматлар лицензияланган.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 27 июлдаги қарорларига асосан Олмазор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Директор исм-шарифи | Манзили | СТИР | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|
| "SALINA SALT" XK | Шоназаров Х. | Охунбобоев кўч., 91-уй | 301098050 | 10-1114/11388 |
| "ELANI-SILUET" XK | Мустафина Э. | Охунбобоев кўч., 5-уй, 23-х. | 300548543 | 10-1114/11387 |
| "ERMELLINO FASHION" XK | Азларов А. | Кук-Су кўч., 65-уй | 301098028 | 10-1114/11376 |
| "SHAKAR NAY" МЧЖ | Хожи-Абдуллаева М. | Беруний кўч., Садий тор кўч., 3а-уй | 301728341 | 10-1114/11372 |
| "MISS LADY STYLE" XK | Магрупова Г. | Баёт кўч., 1-тор кўч., 23-уй | 301614190 | 10-1114/11377 |
| "NORUT KRUT" МЧЖ | Жиянмуротов С. | Тансиқбоев-2, 1-22 | 301111533 | 10-1114/11395 |
| "CHINOR MM" МЧЖ | Абдукаримов Д. | Фозилов ж/х. Фурқат-40 | 301258760 | 10-1114/11360 |
| "MOBISSTRANS" МЧЖ | Зохидов Д. | Қизил Кушин кўч., 90-уй | 300901033 | 10-1114/11391 |
| "BAD" МЧЖ | Хусанбоев Р. | Себзор, 4-161 | 202128007 | 10-1114/11356 |
| "E'ZOZA TRIUMF TOUR" МЧЖ | Абдураҳмонов Ш. | Зарқайнар кўч., т-19, 9-уй | 301212004 | 10-1114/11409 |
| "RUSLAN SAVDO BARAKA" XK | Ходжаева Ю. | Уста Олим т-2, 18-уй | 301822280 | 10-1114/11384 |
| "TALABALAR-BEZAGI" МЧЖ | Икромов Ф. | Зангиота тум., Улуғбек, 2-18 | 301526253 | 10-1114/11402 |
| "RADIUS-GROUP-MOBILE" МЧЖ | Пўлатов А. | Қорақамиш 1/2, 13а-уй, 38-х. | 301584468 | 30-1114/11382 |
| "NEW BRICKET" XK | Карабаев А. | Қорасарой т-2, 13-уй | 301661206 | 10-1114/11383 |
| "DIYOR-NE'MATLARI" МЧЖ | Ғафуров Н. | С.Маҳмудова кўч., 20-уй | 301094792 | 10-1114/11373 |
| "BENEFACTOR TRADER" XK | Усмонов С. | Маданият кўч., 13-уй | 301256337 | 10-1114/11380 |
| "ASIL BARAKA MEBEL" XK | Юлдашев Ш. | Парвариш 2-тор кўч., 3-уй | 301365408 | 10-1114/11401 |
| "SHARQ-MILLIY TAOMLARI" XK | Зоитов А. | Фузулий кўч., 16-уй | 204723760 | 10-1114/11361 |
| "ISKANDER-RIVOJ-BARAKA" XK | Турдиев Б. | Себзор, 13-227 | 301430080 | 10-1114/11399 |
| "CONSTANT BUSINESS" XK | Ғуломов М. | Бешкўрғон кўч., 16б-уй | 300671614 | 10-1114/11404 |
| "SEVINCH-UCHQUN SAVDO" XK | Икромов А. | Қўйлиқ-1, 9-20 | 301523867 | 10-1114/11378 |
| "DONIYOR AVTO SERVIS" МЧЖ | Тўлқинбеков Д. | Сағбон т-1, 61-уй | 301744924 | 10-1114/11375 |
| "BURKRS" МЧЖ | Мўминов Х. | Қарши, Нефтяник қўрғони, 29-2 | 301587804 | 10-1114/11363 |
| "ALAZ-MASHXURA-SAVDO" XK | Усмонов А. | ТашГосМИ, 26-9 | 301472630 | 10-1114/11398 |
| "EXTREMUM-BIZNES" МЧЖ | Шорахметов Ш. | Чилонзор-4, 1-14 | 206076624 | 10-1114/11362 |
| "EAST MODA TRADE" МЧЖ | Куранбеков Ф. | Тансиқбоев-1, 7-25 | 301504415 | 10-1114/11390 |
| "AVAKS-BIZNES" МЧЖ | Хамидов А. | Ғалабанинг 40 йиллиги, 8-137 | 301272373 | 10-1114/11357 |
| "FOXCINEMA SERVICE" МЧЖ | Мухитдинов А. | Мардона-21 | 207022144 | 10-1114/11403 |
| "AVTOGAZ KAPITAL INVEST" МЧЖ | Ғуломов Х. | Тошмухамедов 2-тор кўч, 4-уй | 301313219 | 10-1114/11386 |
| "TRADE GOLDING-PALAS" XK | Тоштемиров Ш. | Жаркўрғон т-ни, Сурхон м/з | 206076616 | 10-1114/11374 |
| "TALABA TAOM KAMOLA" XK | Тошпўлатова К. | Қорасарой-270 | 206818213 | 10-1114/11385 |
| "FOOD WAY" XK | Охунжонов А. | ТашГосМИ, 15-18 | 301384036 | 10-1114/11355 |
| "DEXDE TRADE" МЧЖ | Ахроров Б. | Хувайдо кўч., 33-уй | 301324806 | 10-1114/11358 |
| "EXCELLENT WOOL" МЧЖ | Абдураимов Ғ. | Келес йўли кўч., 1-уй | 204741534 | 10-1114/11371 |
| "KAPITAL YO'L QURILISH INVEST" МЧЖ | Юсупов Ш. | Зулфизар кўч., 42-уй | 301313226 | 10-1114/11396 |
| "QO'SHTUT TRANS" МЧЖ | Зокиров Ж. | Устабоев 2-тор кўч., 2-уй | 206967259 | 10-1114/11389 |
| "MAX VIZA SERVICE" МЧЖ | Тиллаходжаев Т. | Зангиота, Х.Олимжон кўч., 1-уй | 300690701 | 10-1114/11397 |
| "DEMIR PLAST" XK | Мустафин Д. | Қорақамиш 2/1, 50-33 | 301451973 | 10-1114/11368 |
| "NEW SERVER" МЧЖ | Юлдашев А. | Беруний кўч., 83-уй | 301508623 | 10-1114/11354 |
| "ALLOHA INVEST" XK | Исломова Ш. | Уста Ширин-120 | 301464514 | 10-1114/11406 |
| "UNIVERSAL ACTION TRADE" МЧЖ | Мирсоатов А. | Форобий, Хуррият тор кўч., 90-уй | 301311370 | 10-1114/11405 |
| "ASL QANDOLAT" МЧЖ | Игамбердиев Х. | Нодира кўч., 176-уй | 300836762 | 10-1114/11394 |
| "SARDOBA-SOF" МЧЖ | Бўрибоев Р. | Форобий, пр. Оқартириш, 22-уй | 300976336 | 10-1114/11370 |
| "BON PAX" ШК | Ўзб.Кар.жамияти 1-УИЧК | Чангалзор Мавзук-1 | 204622396 | 10-1114/11381 |
| "ORION-SERVIS" ХФ | Қодиров Ш. | Себзор, 6-13 | 202831107 | 10-1114/11366 |
| "BISYOR BILIM MASKANI" МЧЖ | Тошмирзаев Л. | А.Саидов, 1-уй | 301274821 | 10-1114/11369 |
| "RIFADA QURILISH" МЧЖ | Кушмуродов Ш. | Навбаҳор кўч., 21а-уй | 300554362 | 10-1114/11365 |
| "AXUNOV ILHOM R" XK | Охунов И. | Зарқайнар т-14, 264-уй | 301548012 | 10-1114/11367 |
| "NIGULGA SAVDO SERVIS" XK | Ниғматов Г. | Сағбон, Тарих тор кўч., т-2, 26а-уй | 300491711 | 10-1114/11364 |
| "LION-TUR" МЧЖ | Арифходжаев М. | Жомий-229 | 205242125 | 10-1114/11407 |
| "BEK PENTIUM" МЧЖ | Шамситдинов Б. | Беруний-14а | 206520546 | 10-1114/11400 |
| "MUHLISABONU-OMAD" XK | Қосимова М. | Тансиқбоев-1, 2-44 | 206762142 | 10-1114/11359 |
| "MYAGKOE-ZOLOTO" МЧЖ | Камалян З. | Қора-Су-1, 9б-уй, 8-х. | 301584705 | 10-1114/11392 |
| "ALI-A'LO-BIZNES" XK | Қўзиев А. | Қорақамиш 1/2, 3б-уй, 13-х. | 301615395 | 10-1114/11408 |
| "DIYONAT IBRAT" МЧЖ | Ходжамуратов А. | Себзор, 9-5 | 301472433 | 10-1114/11379 |
| "MOXI CHEXRA SERVIS" XK | Фозилов М. | Чангалзор, Мавзук кўча, 1-уй | 301587788 | 10-1114/11393 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Олмазор тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Зулфия Раҳимбекова

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.*
*Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*
*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1152. Адади 3900. Баҳоси келишилган нархда
*Газета 2011 йил 5 августда соат 20.00 да топширилди.*
ISSN 2010-5223